# Тошкент ҳақиқати

• № 71 (10.648).
1994 йил
24 сентябрь
шанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

22 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси иш бошлади. Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов очди.

Мажлис аҳли Ўзбекистон халқ депутати, марҳум Қўзибоқар Синдоров хотирасини бир дақиқа сукут билан ёдга олди.

Депутатлар сессия кун тартибини тасдиқлади ва котибиятни сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда катта нутқ сўзлади. Олий Кенгаш Республика Президентининг нутқи юзасидан қарор қабул қилди.

Кичик танаффусдан кейин мажлисни Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров бошқарди.

Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов "Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида маърузa қилди. Қонун қабул қилинди.

Шундан кейин республика адлия вазири А. Мардиевнинг Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг лойиҳалари ҳақидаги маърузалари тингланди. Бу кодекслар ҳам Олий Кенгаш томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон парламенти ўз ишини давом эттирмоқда.

***

23 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Фан ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жалиловнинг Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳақидаги маърузаси тингланди. Депутатлар бу қонунни қабул қилдилар.

Олий Кенгаш айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Келгуси йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ваколатлари муддатларининг тугаши муносабати билан Олий Кенгаш шу йилнинг 25 декабрига Олий мажлис депутатлигига, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлов тайинлади.

Сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи қарорларини тасдиқладилар.

Парламент Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномани ҳамда консуллик конвенциясини ратификация этди.

Олий ва Олий хўжалик судлари таркибига ўзгартишлар киритилди.

Депутатлар ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иши тўғрисидаги ахборот матнини тасдиқладилар ва уни матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИДА.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ, Р. ШАГАЕВ (ЎзА) СУРАТИ.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ*

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 7 ва 19-моддаларига, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови 1994 йил 25 декабрга белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи битта сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 44,1 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига аввало маъмурий-ҳудудий бўлинишни назарда тутган ҳолда сайлов округларини муайян миқдордаги сайловчилардан иборат таркибда тузишга рухсат берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Олий мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказувчи умумий сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари "Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ ташкил этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси**
**вазифасини бажарувчи**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг Фармони*

## Ш. З. БОБОХОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шамсутдин Зиевутдинович Бобохонов Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри.
1994 йил 22 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг Фармони*

## Ш. З. БОБОХОНОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Шамсутдин Зиевутдинович Бобохоновга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри.
1994 йил 22 сентябрь

# ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

### *ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ XVI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ*

Ассалому алайкум, муҳтарам халқ ноиблари!

Қадрли дўстлар!

Олий Кенгашнинг бугунги XVI сессияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Аввало, бу сессия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги санасига тўғри келгани билан эътиборга сазовор. Куни кеча бўлиб ўтган байрам тантанаси бутун халқимиз ва жаҳон аҳлига танлаган йўлимизнинг тўғрилигини, мустақил тараққиётнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини яна бир намоён этди.

Бу байрамни мамлакатимиз барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сурган бир шароитда, бозор иқтисодиёти сари амалий қадамлар қўйилаётган, аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама муҳофаза қилинаётган, давлатимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган бир вазиятда нишонлади.

Уч йил — тарих учун қисқа фурсат. Аммо жамият тараққиётини ҳал қилувчи замонда давр календарь варақалари билангина эмас, балки жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг теранлиги ва аҳамияти билан ўлчанади.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, биз ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, давлат тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга эришдик.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди.

Ўйлайманки, ҳозир ҳар биримиз, ҳар бир депутат бугун тарих бўлиб қолган фаолиятимиздаги биринчи қўйган қадамларимизни, ўша унутилмас кунларни хаёлда қайтадан яшаб тургандекмиз. Шу боис ўша мураккаб, чигал, айни вақтда шарафли кунларнинг мазмун-моҳиятини яна бир карра кўз ўнгимиздан, юрак ва тафаккуримиздан ўтказишимиз табиий ҳолдир.

Чунки, биз бу қисқа муддат мобайнида асрларга тенг долғали бир ҳаётни бошимиздан кечирдик. Тарихда асло ўхшаши бўлмаган ижтимоий жараёнларга дуч келдик. Тақдир бизнинг авлодимиз, сизу бизнинг зиммамизга мисли кўрилмаган синов ҳамда вазифаларни юклади.

Шунинг учун ҳам бугун босиб ўтган йўлимизга холисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан идрок этиб баҳолаш зарур, деб ҳисоблайман. Баҳолаганда ҳам шунчаки расмий кўз билан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ва ҳалол баҳо бериш лозим.

Нега деганда, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор. Биз бу ғояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғишмай боришга интилмоқдамиз.

Аслини олганда, биз ҳисоботни халқимиз олдида, давр олдида беришимиз даркор. Қилган ишларимиздан элу юртимизга нима наф тегди, депутат, раҳбар, ёки оддий фуқаро сифатида ватанга қандай фойда келтирдик, деб ўзимизга савол берсак, менингча, адолат юзасидан иш тутган бўламиз.

Чунки оҳир-оқибатда бизнинг барча ишларимизга ҳаққоний баҳо берадиган одил ҳакам — бу халқ, шу азиз юртдошларимиздир.

Шу маънода ўтган даврга, аввало, дунёнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлари нуқтаи назаридан назар ташлаш ўринлидир.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги улкан ва унутилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. 70 йилдан зиёд вақт давомида дунё икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, инсоният доимий таҳлика остида яшади. Жаҳонда ўзаро таҳдид ва қўрқув муҳити ҳукм сурди.

Айни пайтда ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг ғоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёсати ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро майдонда ҳалокатга маҳкум этилгани тобора аён бўла борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради.



Ва ниҳоят, аср адоғига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сўнгги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олийжаноб шиорлар билан бежаб бўялса-да, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди.

Ўзбекистон халқи ҳам асрий орзусига эришди. Азиз Ватанимиз узра истиқлол байроғи ҳилпиради.

Ҳурматли депутатлар!

Юртдошлар!

Кейинги тўрт-беш йилда орттирилган озми-кўпми тажрибамиз, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнларнинг хусусиятлари дастлабки якунлар, ютуқ ва хатоларимизнинг сабоқлари ҳақида айрим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989-1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг "Ассалом!.. деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди! Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча бепоён бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки истиқлолнинг дастлабки чоғларини ёдга олайлик. Ўша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар рўй бердики, агар биз салгина янглишсак, ҳушёрлик ва қатъиятни озгина бой берсак, баъзи бир бақириқ-чақириқ йўлига ўтган "доҳий"ларнинг гапига кирсак, ўта хотиржамлик ва ғафлатга берилсак, эҳтимол, бугунги кунда халқимиз тақдири, ватанимиз тақдири бутунлай бошқа йўлдан кетиши, боши берк кўчаларга кириб қолиши мумкин эди.

Буниям аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Шукурки, Оллоҳ барчамизга шундай қийин фурсатларда ақл-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдан айирмади. Халқимиз, миллатимиз шу мушкул синов кунларига том маънода бир тану бир жон бўлиб бардош берди, ўзининг улуғ фазилатлар соҳиби эканини яна бир карра намойиш этди!

Бунинг учун мен шу элу юртнинг бир фарзанди сифатида мана шу юксак минбардан туриб халқимизга таъзим қиламан.

**Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.**

Чунки фақатгина шу йўл билан халқимизни, миллатимизни таҳликали дунёда омон сақлаш ва камолга етказиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирсак, бугунги кунимизни тўқсонинчи йил билан солиштирсак, қиёсласак, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни, эришилган ютуқларимизнинг асосий мезони деб:

**Биринчи навбатда,** одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамиз.

Қайта қуриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб кўрайлик. Ўшанда бизлар ҳам юқумли бир касалга мубтало бўлувдик. Яъни, сохта демократия ниқоби остида қилинган узоқни кўзламаган турли ҳаракатлар ҳали ҳам ёдимизда. Биз шундай касалликдан бошқаларга нисбатан анча осон қутилдик.

Мамлакатимиз — ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-кўйда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олийжаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносиб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб "ўзбекчилик" деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олийжаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуғ ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан

**(Давоми 2-бетда).**

# ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам — бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.

Янги жамият ва давлат қуришда дадил қадамлар қўйдик.

Тоталитар тузумдан ва унинг бошқарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жаҳон тажрибасига жавоб берадиган, ўзимизнинг дунёқарашимизга мос сиёсий тизим қарор топяпти.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди. Янги бошқарув тизими халқимиз табиатига, халқимиз талабига мос келиб, юртимизда тинчлик ва тотувликни сақлаш гарови бўлмоқда.

Бошқарувга янги ва ёш, жисмоний ва маънавий соғлом авлод вакилларининг кўпроқ жалб этилаётгани ҳам — бугунги куннинг яна бир фазилатидир.

Катта ютуқларимиздан яна бири шуки, биздан олдинги авлодлар озиқланган муборак заминда янги юксак бино — буюк давлат қуриш ва жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллаш учун ҳаракат бошланди.

Бу улуғвор мақсад сари сабот билан интилиш ҳам — янги давр аломатидир.

Юртимизда бошланган бундай ҳаракатларда фахрийларимиз, нуроний отахонларимиз ва онахонларимизнинг ҳиссаси катта бўлгани бизни беҳад қувонтиради. Уларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, бизларга ақл ўргатиб, онгимизни бойитиб, керак бўлган чоғларда, бугунги тинч ва осойиш ҳаётимизнинг қадрини тўғри тушунтириб, савобли ишларимизга оқ фотиҳа бериб турганн бизга доимо мадад бўлади, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Яъники, бизнинг жамиятда бўлиниш, пароканДалик юз бермади. Аҳиллик ва умум маслаҳати қарор топди. Бу ҳам бизнинг энг муҳим ютуғимиз ва кучимиздир.

Айни замонда, ўз миллий мафкурамизни шакллантириб, ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб бораётган бир шароитда бошқа миллатларга ҳурмат, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга — унинг ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар — муносиб шароит яратиб бериш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам бугунги даврнинг энг олийжаноб фазилатидир.

Ҳурматли депутатлар!

Бугунги ҳаётимиздаги энг долзарб вазифа, бу — иқтисодий ислоҳотларни тез суръатлар билан пировардига етказиш, уларнинг самарасидан баҳраманд бўлишдир.

Бунинг учун бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришимиз керак. Бугунги кундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш деб биламан.

Бу вазифани бажаришда — хоҳ саноатда ёки қурилишда, хоҳ савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, хоҳ қишлоқ хўжалик тармоқларида бўлсин — ҳеч қандай расмиятчиликка, хўжакўрсинликка, "мендан кетгунча — эгасига етгунча" деган бепарволикка йўл бермаслик керак.

Белгиланган тадбирларимизда энг катта эътибор — мулкчилик шаклидан қатъий назар — корхона, ташкилот, хўжалик меҳнат жамоаларининг **иқтисодий мустақиллигини** янада мустаҳкамлаш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилади.

Яна бир муҳим масала. Шахсий ва хусусий мулк эгаларига, уларнинг даромадига кўз олайтирмасдан, кенг йўл очиб бериш. **Қонун ва фармонларимизда белгилаб қўйилган дахлсизлик ва кафолатларнинг қоғозда эмас, амалда бўлишига эришмоқ даркор!** Афсуски, ҳозирча ҳаётда шундай бўлмаяпти. Аввалги — ҳаммани сунъий равишда тенглаштириш даври ўтди. Бу масаладаги қарашимизни ўзгартиришимиз даркор. Чунки бир одам ҳалол меҳнати орқали бойиса, бошқаларга ҳам нафи тегади. Халқ бой бўлади.

Маълумки, меҳнат жамоаларига биз талай эркинликлар бердик.

Халқ хўжалигини бошқариш тизими қайта тузилди. Вазирликлар ва уларнинг органлари маъмурий бошқарув тизимининг жойлардаги бўлими сифатида тугатилди.

Давлат буюртмалари бекор қилинди ёки кескин қисқартирилди. Эркин нархга ўтдик. Бор ҳуқуқ ва имкониятлар бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзларига бериб қўйилди.

Бу тадбирларимиз илк самарасини бермоқда. Лекин ислоҳотлар йўлидаги фаолиятимизни танқидий кўз билан холисона баҳоласак, кўп ачинарли ҳолатларни кўриш мумкин.

Аввало, ишлаб чиққан дастуримиз, тадбирларимизни ҳаётга тадбиқ қилишда айрим раҳбар ва ходимларнинг **тушунчаси, ислоҳотга муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми** кўп жойларда талаб даражасида эмас.

Бир нарсани жуда яхши ўрганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислоҳотларни мақтаймиз, иш қиляпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баланд парвоз ваъдалар берамиз, амалда эса — бутунлай бошқа ҳолат.

Бундай юқумли касалликдан, хўжакўрсинга вайсашдан, расмиятчиликдан тезроқ қутилиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислоҳотнинг ўзига, аҳамияти ва обрўйига доғ тушириши, охир-оқибатда эса, одамларимизнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги энг муҳим вазифа — халқимизнинг, ишчиларимизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар қилиш.

Албатта, ҳаммамиз ҳам биринчи навбатда, раҳбарлик лавозимида ўтирган кишилар, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширишимиз, замонавий тажрибаларни кунт билан ўрганиш, изланиш ва тадбиркорлик йўлида ўзимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш қийин. Аслида бу — энг мураккаб масала. Чунки раҳбарлик қобилияти ҳам одамнинг пешонасига битилган бўлади. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига муносиб бўлса, ўша жойда халқ ўз ҳимоясини топади. Лекин, минг афсуски, раҳбарларимизнинг кўпчилиги ҳануз боқимандалик кайфиятидан қутилгани йўқ, эски тизимнинг қотиб қолган услуб ва асоратларидан халос бўлмаяпти.

Кимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шарт-шароитларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бугунги қийинчиликларни енгиш, тўғри йўл топиш, бу — жуда мураккаб ва қийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, инсофли, янгиликка интилувчи, кучли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши.

Муҳит қаерда носоғлом? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Қўлидан иш келмайдиган, манманликка берилган, ғўдайган, атрофидагиларни менсимайдиган, уруғчилик, маҳаллийчиликни авж олдирган, аввало ўз манфаатини кўзлайдиган раҳбар шундай носоғлом аҳволга, жанжал, тўполон, қарама-қаршилик ва адоватга тўла муҳитга сабаб бўлади.

Халқимиз "бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади", деб бежиз айтмайди, муҳити носоғлом бундай хўжалик ва туманларда ҳақиқатдан ҳам файзу барака ва омад йўқолади. Шунга қараб, хулосани ўз вақтида чиқарсак, ишимиз ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Ҳаммангизга маълумки, бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган носоғлом иқтисод асоратларини йўқотмасдан, айниқса, хом ашё минтақасига айланган, бир ёқлама ривожланган ишлаб чиқаришни ўзгартирмасдан туриб, тўла мустақилликка эришиш қийин.

Ўтмишнинг бундай оғир асоратларини ҳали ҳамон сезиб турибмиз.

Шу боисдан ҳам эски хатоларни тузатиш билан бир вақтда, бутунлай янги иқтисодиётни шакллантиришимиз керак.

Соҳа тизимлари жиддий ўзгартиришларга муҳтож. Қисқа вақт мобайнида кескин ўзгаришларга эришиш, биринчи навбатда, ихчамгина замонавий технологияга суянган тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш ўта мушкул экани равшан ва бу кўплаб маблағ ҳамда инвестицияларни талаб этади.

Лекин бугуннинг ўзидаёқ халқ хўжалигини жумҳурият эҳтиёжлари ва халқ талаблари томон буриш учун бутун кучимизни сарфлашимиз зарур. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Энди уларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш керак.

Маълумки, ҳар қандай давлат, шу жумладан, жумҳуриятимиз ҳам энергетика мустақиллигига эришгандагина чин маънода мустақил бўла олади. Яқин-яқингача биз ҳаёт-мамотимизга дахлдор нефть, нефть маҳсулотлари ва энергия ресурсларини асосан Россиядан олиб келишга мажбур эдик. Лекин кейинги икки-уч йил мобайнида бу соҳада ҳам мустақилликка эришиш йўлида кўп иш қилинди. Мен бугун Мингбулоқ, Кўкдумалоқ конларини ўзлаштиришда матонат кўрсатган инсонларга яна бир бор ташаккур айтаман.

Бугун эса вазият ўнгланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуи яхши ишламоқда. Нефть, табиий газ, кўмир қазиб олиш ҳажми кўпайди. Нефть қазиб олиш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизнинг ўзида мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортди. Бу борада Мингбулоқ ва Кўкдумалоқдаги нефть конлари яхши истиқболлар очмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Бутун Ёқилғи-энергетика комплексини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш сиёсатимизнинг устивор вазифаси бўлиб қолаверади.

Жумҳуриятимиз ҳамиша ўзининг қишлоқ хўжалик соҳасида етиштириладиган хомашёси билан донг таратиб келган. Шу нуқтаи назардан, қайта ишлаш соҳаларида ихчамгина ва тижорат талабига жавоб берадиган корхоналарни қуриш ва уларни замонавий технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатга бардошли халқ истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Энди биз хомашё ёки арзон-гаров ярим тайёр маҳсулотлар эмас, аксинча, замонавий, ўта харидоргир тайёр моллар сотишни ўрганишимиз зарур.

Ҳудудий тизимни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг салоҳияти ва меҳнат имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланаётгани йўқ.

Юртимизда ҳалигача ишлаб чиқариш базаси ривожланмаган. Инфраструктураси қолоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар кўплаб топилади.

Афсуски, айрим жойларда одамлар сифатли ичимлик сув, табиий газ ва маиший хизмат турларидан баҳраманд бўла олмаяпти. Галдаги вазифа қишлоқ аҳолисига ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Бунинг учун ҳудудларни комплекс ҳолда ривожлантириш, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириш — бугунги долзарб вазифамиздир.

Илгари бир неча бор таъкидлаган гапни яна бир марта қайтариб ўтмоқчиман: ўзининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир давлат, аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмак бериши зарур. Унга ҳар томонлама: иқтисодий, моддий ва илмий-техник жиҳатдан ёрдам қилмоғи шарт. Қишлоқ иқтисодимиз ва халқимиз фаровонлиги пойдеворидир.

Биз шу пайтгача қишлоқ хўжалигига асосий эътибор бериб келдик ва шундай бўлиб қолажак. Бу соҳага кўп имтиёзли иқтисодий шароит яратилмоқда. Пахта ва ғалланинг харид нархлари бир неча марта оширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли барчаси эркин нархларда сотилмоқда. Давлат буюртмасини пешма-пеш камайтириб, хўжаликларнинг ўзига кўпроқ иқтисодий эркинлик беряпмиз. Давлат хўжаликлари жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликлари сони, улар ихтиёридаги ер майдонлари ва томорқалар кўпаймоқда.

Шу билан бирга, қишлоқдаги ислоҳотлар тоқат қилиб бўлмайдиган даражада суст кечаётганини ҳам тан олиш керак.

Билмадим, сиз ҳурматли депутатлар буни қандай баҳолайсиз, лекин, менимча, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларни охиригача етказиш йўлида тўсиқ-ғов бўлиб турган **расмиятчилик, лоқайдлик, ўтакетган бепарволик, боқимандалик ва порахўрлик** каби иллатларга қарши жиддий кураш бошлаш вақти келди, деб ўйлайман.

Токайгача ислоҳот йўлида қонун-қарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишга турли поғоналарда тўсиқ бўлиб турган масъулиятсиз, ўз манфаатларидан ўзга ҳеч нарсани билмайдиган одамларга чидаб юрамиз?

Токайгача тили бошқа-ю, дили бошқа бўлган одамларни сафимизда сақлаймиз?

Бугунги вазиятга бир назар ташласак, юқорида — Республика даражасида қабул қилинган фармон ва қарорлар жойларга етиб боргунча, айрим мунофиқ амалдорлар уларни амалга ошириш у ёқда турсин, мазмунини ҳам ўзгартириб юборади. Айтинглар, токайгача бу аҳволга тоқат қилиб турамиз?

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, халқимизни боқиш учун 3 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла керак. Шунча ғалла тайёрлаш учун Ўзбекистонда тўла шарт-шароит ва имконият бор. Шу йилнинг ўзида ғаллакорлик учун 650 минг гектар суғориладиган ва 550 минг гектар лалми ер ажратилган эди.

1995 йилда эса бу мақсадларга, лалми ердан ташқари, суғориладиган ернинг ўзидан 1 миллион гектарга яқини ажратилиши белгиланди. Ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг, қадрли дўстлар, агар шунча суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ғалла олсак — марра бизники.

Лалми ерлардан эса ўртача 10 центнердан ҳосил олинса, бу — яна қўшимча 500 минг тоннадан ортиқ ғалла демакдир.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас экаимиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.

Лекин, бугунги кунда аҳвол жуда ачинарли. Ўзларинг айтинглар: нега Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида айрим бригада ва хўжаликлар 60-65 центнердан хирмон кўтаради-ю, Тошкент вилоятида ва бошқа қолоқ туманларда бу кўрсаткич ўртача 22 центнердан ҳам ошмайди?

Қорақалпоғистонда сувли ердан олинган ўртача ҳосил 8 центнер бўлса, буни биз қандай баҳолашимиз керак?

Бунинг сабабини, биринчи навбатда, раҳбарларнинг масъулияти ва ерга муносабати сустлигида кўриш керак. Қолаверса, узоқ йиллар мобайнида биз "пахта, пахта" деяверИб, ғалла етиштириш технологиясини, сир-асрорини унутиб қўйдик.

Нафақат СССР, балки бутун дунёдаги социалистик давлатларнинг пахта мустақиллигини таъминлаган мамлакатимиз, нима учун нон ва ғалла масаласида ўзининг мустақиллигига эриша олмайди?!

Мустақиллик, истиқлол ҳақида баландпарвоз гаплар билан юрган айрим ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларига шу саволни беришимиз керак:

**Барака топкурлар, халқимизнинг асосий озиқаси бўлмиш нон билан таъминлашда белни қаттиқ боғлаб, ўзларингни кўрсатинглар. Ҳақиқатда ҳам Ватан ва юрт мустақиллиги ва истиқболига садоқатли эканингизни сўзда эмас, амалда исбот қилинглар!**

Ҳамма, айниқса ҳокимлар билиб қўйсин: бу масала бўйича сўроқ жуда қаттиқ бўлади! Бундан буён ҳар бир раҳбарнинг фаолияти Ватаннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга нечоғли ҳисса қўшгани билан ўлчанади.

Шу маънода ўзимизни картошка билан таъминлаш масаласини олиб кўрсак, ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган аҳволга дуч келамиз. Ўтган йили Голландиядан келтирилган 12 минг тонна уруғлик картошканинг 3 минг тоннаси чириб кетган. Сабаби — ишга масъулиятсизлик, халқ мулкига хиёнат. Аввало, технология талабига кўра июнь-июль ойларида экилиши лозим бўлган картошка, бир ой кеч — августда ерга тушган. Қолаверса, ихтисослашган сабзавотчилик институтимиз бўлатуриб, уруғликнинг бизнинг шароитимизга мос келадиганини танлаб олиш учун ҳеч ким сафарбар қилинмаган. Бу ҳол бу йил ҳам такрорланганига нима дейиш мумкин? Бу иқтисодий кўпорувчиликка ким жавоб беради? Ким айбдорларни жазолайди? Бундай ҳолатларни кўриб одам ёниб кетади!

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз бекорга "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деб гапирмайди. Афсуски, ерга муносабатимизни ижобий баҳолаш қийин. Бошқа давлатлар билан солиштирганда, бизда ер унумдорлиги, ҳосилдорлиги бир неча марта кам эканини ҳаммамиз яхши биламиз-у, лекин нега тегишли чора кўрмаймиз?

Яна бир мисол: бугунги кунда одамларнинг эҳтиёжини қондириш учун ажратилган сувли томорқа ерлари майдони тахминан 700-750 минг гектарни ташкил этади. Томорқага ишлов бериб, катта даромад топиб, рўзғорини обод қилаётган миришкор деҳқонларимиз жуда кўп.

Шу билан бирга, айрим жойларда ҳар қаричи олтинга тенг бебаҳо томорқа ерларини ажриқ босиб ётганини кўрган одам: "Ажабо, ер эгаси ҳам шунчалик ношукур бўладими?!", деб ҳайратдан ёқасини ушлайди.

**Қиссадан ҳисса шуки, томорқани ерни севган, ерга меҳри баланд, ерни улуғлайдиган деҳқонларга беришимиз керак. Ерни тепган, ерни хор қилиб қўйган одамларни томорқадан маҳрум қилиш зарур.**

Агар замонавий юксак деҳқончилик маданияти нуқтаи назаридан қарасак, Ўзбекистон шароитида 4 миллион 200 минг гектар сувли ер бўлса, ана шу майдонда аҳолининг бор-йўғи 7-10 фоизи ишлаб, иқтисодимизнинг, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг қолган қисмини бошқа етарли даромад берувчи тармоқлар, саноат, қурилиш, савдо ва халқимизга хизмат қилувчи бошқа соҳаларга жалб этиш масаласини ҳал қилишимиз даркор.

Мисол учун, Жанубий Корея Республикасида 2 миллион гектар суғориладиган ердан, яъни Ўзбекистонга нисбатан икки марта оз ердан олинадиган маҳсулот, 42 миллионлик халқини таъминлаб, яна экспортга ҳам жўнатилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бор-йўғи 5-7 фоиз ишловчи аҳоли банд, хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу йилнинг 1 июлидан жумҳурият ҳаётида, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш соҳасида янги босқич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сўмни муомалага киритдик. Биз бу муҳим ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдик. Миллий валюта — бу миллий ғурур, давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир. У юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Бунга эса рақобатга бардошли маҳсулотларнинг, шунингдек, заҳираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустаҳкамлаш ва уни дунёда ҳамма бирдай қадрлайдиган валютага айлантиришдан иборатдир.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқ эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўз валютамизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва ҳукумат қабул қилган тўртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

**Биринчидан,** сўмнинг харид қувватини ошириш учун тез орада бозорларни харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш зарур. Асосий вазифа халқнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириши керак бўлган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда ўша тарафга йўналтирамиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йўналиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу — енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатлар хизматидир.

Аҳолига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз ҳали кўплаб зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур бўляпмиз. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш лозим.

**Иккинчидан.** Биз такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислоҳотнинг асосий йўналишларидан бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам мавқеимизни эгаллашдир. Бундан кейин ҳам экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини белгилаб олган корхоналарга хомашё билан таъминлашда ҳам, инвестиция олишда ҳам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тутсин.

Улар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиб, қатъий валюта ишлаб топишни ўрганишлари ва республика хазинасини тўлдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоалари олдидаги, бутун халқ олдидаги вазифаси, муқаддас бурчидир.

**Учинчидан.** Молия-кредит сиёсатини изчил ўтказиш шарт. Биз ўз молиявий қувватларимиздан тежаб-тергаб, ҳисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, унинг сочилиб кетишига йўл қўймайлик. Халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республиканинг эртанги куни учун, келажаги учун ишлаши шарт.

Корхоналар, ишбилармонлар давлатдан олган маблағлари, кредитларини фойдали ва аниқ мақсадлар учун йўналтириш масъулиятини таъминлаш ёзилмаган қонунга айланиши шарт. Айни пайтда кредитларни ўз вақтида қайтаришга ҳам ўрганиш керак. Ва ўз навбатида кредит бериш шартлари шундай бўлсинки, корхона қарз олиш масъулиятини доим ҳис этиб турсин. Ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун самарали равишда фойдаланишга ҳаракат қилсин.

**Тўртинчидан.** Энг муҳим масала — ички бозоримиздаги истеъмол моллари ва муомаладаги нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш — пул қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг асосий гарови ва шартидир. Фақатгина шу йўл билан инфляцияга қарши курашиш ва унинг даражасини кескин пасайтириш имконига эга бўлишимиз мумкин. Фақат шунинг ҳисобидан миллий валютамиз саломатлигини сақлаймиз.

"Сўм"имиз қандай куч билан ишлай бошлаганини биз ҳаммамиз ҳис этиб улгурдик. Деҳқон бозорида нарх-наво кескин тушди, пулнинг қадрсизланиши кескин даражада пасайди. Ва бу ижобий жараённи мустаҳкамлаш керак.

Зикр этилган фикрларнинг асосий маъноси шуки, муомаладаги пул ҳажмини кўпайтирмаслик, яъни пул эмиссиясининг ошишига, пулнинг аҳоли қўлида ушланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Ҳаётдаги оддий бир қоидага эътибор берайлик: аҳолининг қўлидаги нақд пулнинг ҳажми кўпайиши билан одамларнинг ҳаёт даражаси ўсмайди.

Дастхоҳ — ўз қўлимизда деб, миллий пулимизни кўпроқ босиб чиқариш, шунинг ҳисобидан, аҳоли қўлига кўпроқ қуруқ пул етказиб бериш бугунги кунда қийин вазифа эмас.

Ҳаёт даражаси ўсишига эришмоқ учун, албатта, меҳнатчилар оладиган маош, нафақахўрларга бериладиган нафақа, студент ва ўқувчиларнинг стипендияси, умуман одамларнинг даромадлари ўсиши керак. Лекин пул ҳажми ўсишига нисбатан, ундан ҳам олдин ички бозоримиздаги моллар ва пулли хизматлар ҳажмини тез суръатлар билан оширишни таъминлашимиз лозим.

Содда қилиб айтганда: ҳар қайси кишининг киссасида бўлган пулига бозоримизда етарли даражада керакли мол ва эҳтиёжимизни қоплайдиган хизмат турлари бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни, қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг ўз-ўзини бошқариш тизимига, бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллаларга суяниб ишлашга қарор қилдик.

Ҳар бир банкнинг маҳаллий бўлимларида махсус ҳисоб варақалари орқали, маҳаллалар қарорларига биноан, кам даромадли ва муҳтож оилаларга ёрдам бериш ҳақида фармон чиқардик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётга тадбиқ этишда, адолат сақлашда маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч-ғайратини кўрсатади ва халқимиз назарида обрўсини янада оширади.

Ижтимоий ёрдам беришнинг ҳам яхлит, пухта бир тизими ишлаб чиқилиши даркор. Бунда давлат ва жамоатчилик идоралари, айниқса касаба уюшмалари, турли хайрия жамғармалари биргаликда ҳаракат қилмоғи жоиз.

Азиз дўстлар!

Биз қураётган жамият адолат ўрнатишни, ҳеч кимни оғир аҳволда ва муҳтожликда қолдирмасликни ўзининг энг катта мақсади, деб билади. Унинг оёққа туриши учун зарур ёрдам беради. Шундай экан, илгари айтган бир гапимни яна такрорлайман: **Инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак.**

Айни вақтда ҳар қайси инсон, аввааламбор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадамини ўз орзу-ниятлари ушалиши учун туғилган яна бир имконият деб англаши лозим. Бунинг учун биз болаларимизни собитқадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.

Бундай тарбия асосида авлодлар ворислиги етмоғи керак. Бизнинг онгу шууримизга катталарга ҳурмат, ишда, одамлар билан муомала-муносабатда ота-онамиздан ўрнак олиш, ота-боболаримиз бошлаган ишни давом эттиришдек олижаноб туйғулар сингдирилган. Халқимизнинг бу анъанасини ҳар томонлама ўстиришимиз ва мустаҳкамлашимиз зарур.

Бу муҳим вазифани бажариш учун ўқув ва тарбиядаги услубларни муттасил такомиллаштирмоқ керак.

Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла-мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларини аямасликлари керак.

Бундай сиёсат фаровон ва мустақил Ўзбекистонимизнинг пойдеворини мустаҳкам қилишимизда устивор давлат дастурига айланиши даркор. Бизнинг барча маънавий, ахлоқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларимиз ана шунга суяниши лозим.

Ахир, маданиятимиз, тарихимиз — бизнинг энг катта, кўз қорачиғидек асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, инқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар одамни, жамиятни маънан ёшартириб турадиган бебаҳо неъматлардир. Ана шу неъматдан ҳар бир кишини баҳраманд этиш — биз қураётган жамиятнинг асосий мақсадидир.

Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 24-инчи мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида, Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. **Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу ғамхўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ишонаман.**

Қани энди, шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! **Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб қурса!**

Шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамма имкониятларни сафарбар этиб, жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб қуради деб ишонаман!

Ўзларинг бир ҳисоблаб чиқинглар, шу ишимиз билан қанча фарзандлар ва уларнинг ота-оналарини рози қилардик!

Биз қураётган жамият чинакам инсонпарварлик жамияти бўлиши даркор.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир миллат вакили ушбу ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ва имкониятларидан фойдалана олсин.

Уларнинг ҳар бири бошини баланд кўтариб, фахр ва ғурур билан: "Мен — озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман!", дея олсин.

Ҳурматли депутатлар!

Узбекистон парламенти ўз вазифасини шараф билан адо этди.

Давлатчилигимиз, иқтисодий ислоҳотлар ва умуман янги ҳаёт биносига тамал тошларини қўйиш сизларга — мана шу муҳташам залда ўтирган инсонларга насиб этди. Бу — катта бахт.

Конституцияда кўзда тутилган ва сизлар тасдиқлаган Олий Мажлис фаолиятига келсак, сайловга ҳозирдан тайёргарликни бошлашимиз керак.

Илгари баёнот берганимиздек, янги сайлов кўп партиялик асосида, жамиятдаги барча сиёсий кучлар, ижтимоий табақаларнинг кенг иштирокида, халқаро ташкилотларнинг кузатуви билан, ҳақиқий демократик тарзда ўтишига шак-шубҳа йўқ.

Табиийки, сайловда қатнашадиган ҳар бир партиянинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг ўз дастури ва ўз шиорлари бўлади. Аммо, бизнинг фикримизча, янги сайловларда бизнинг умумий миллий шиорларимиз, давлат аҳамиятига эга умумий мақсадларимиз ҳам баралла жаранглаши зарур.

Шундагина биз умуммиллий жипсликни ва аҳилликни таъминлай оламиз. Айни замонда умуммиллий шиорлар сайловга қатнашувчи турли партиялар ва жамоат ташкилотларининг дастурларига ҳам ижобий таъсир этади, деб ишонсак бўлади.

Сайловдан олдин халқимизнинг эътиборини ва ҳаракатини жалб этувчи мақсадларни ҳаётимизнинг ўзи аниқ ва равшан этиб олдимизга қўйяпти. Уларнинг барчаси халқимизнинг дилида ва тилида турибди.

Хўш, бу шиорларнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

Биринчидан, **бугунги устивор ақидамизда собит бўлайлик, яъни — жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлайлик!**

Иккинчи шиоримиз: **Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик! Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик!**

Учинчидан, **қонун устиворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!**

Тўртинчи шиоримиз: **иқтисодий ҳаётимизда мулк шаклини ўзгартириб, мулкни ўз эгасига топширайлик! Эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик асосида халқимизга фаровон ҳаёт яратиб берайлик!**

Бешинчидан, **жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва иқтисодимизни такомиллаштириш эвазига халқимизнинг реал даромадларини ва ҳаёт даражасини кўтарайлик!**

Олтинчи вазифа. **Давлатчилик тизимини мустаҳкамлайлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни бош мезон этиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллайлик!**

Еттинчи ва барча эзгу орзуларимизни мужассамлаштирган шиоримиз: **келажагимиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик!**

Ўйлайманки, бундай олижаноб мақсадлар ҳаётимизни эзгу мазмун ва мақсад билан бойитади, ҳар бир партиянинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг, ҳар бир ижтимоий табақанинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг орзу-ўйларига монанд келади ва улар томонидан маъқулланади.

***

Азиз дўстлар!

Кўзлаган мақсадларга эришиш йўли жуда мураккаб ва мушкул. Лекин биз унинг маълум қисмини — аввааламбор энг оғир қисмини босиб ўтишга муваффақ бўлдик. Асоратли тебранишлар ва зиддиятлар бўлмади. Ишлаб чиқаришда ўпирилишларга ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл берилмади. Давлатимиз, миллатимиз, эл-юртимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида катта қадам қўйилди. Бунда депутатлар меҳнати, улар қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг хизмати ва улуши катта бўлди. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор қилолмайди.

Йиллар ўтар. Лекин сизларнинг, ҳурматли халқ ноиблари, фаолиятингиз, қилган ишларингиз ўз тарихий аҳамияти билан миннатдор халқимиз ва авлодларимизнинг қалбида абадий сақланади.

Тарих ва халқимиз олдида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, шу заминда яшаётган барча кишиларга муносиб ҳаёт яратиб беришдек янгидан-янги ва улкан вазифалар турибди.

Ишонаманки, бугун шу залда ўтирган, катта ҳаёт мактабини кўрган инсонларнинг ҳаммаси — эртага қаерда бўлишидан, қандай лавозимда, ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, — Ватан олдидаги бурчини охирига қадар шараф билан адо этади.

Яратган тангримизга ато этган тақдир-насибаси учун шукроналар айтиб, эл-юртимизни бало-қазолардан асрашни, ҳалол ва пок ниятлар билан яшаётган халқимизга, унинг эзгу ниятларига мадад беришини тилаб қоламиз.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахбороти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахборотини тинглаб, Олий Кенгаш шуни қайд этадики, мустақилликка эришилганидан буён ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлининг салмоқли қисмини босиб ўтди. Сиёсий тизимни янада ислоҳ қилишнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг, ички ва ташқи сиёсатни шакллантиришнинг пухта базаси яратилди.

Жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, асосан ўз куч ва салоҳиятига суяниб, тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб, Ўзбекистон сифат жиҳатдан янги ҳолат сари, чинакам иқтисодий мустақиллик ва давлат истиқлолига эришиш сари оғишмай бормоқда. Демократик давлат барпо этиш юзасидан қабул қилинган дастур Ўзбекистон муносиб ўрин эгаллаб турган жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб қувватланмоқда.

Жамиятни ислоҳ қилиш дастурини амалга оширишда эришилган шак-шубҳасиз ютуқлар билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва унинг рентабеллигини оширишдаги, давлат мулкини хусусийлаштириш ишларини ўтказишдаги, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишидаги камчиликлар ҳамон суст бартараф этилмоқда, боқимандачилик ва истеъмолчилик кайфиятлари барҳам топганича йўқ, ўтказилаётган ислоҳотлар натижалари учун масъулият ҳисси айтарлик юқори эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ҳамда улар оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи — Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 сентябрь.

